

“КЕЛИШИЛДИ”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг

“ЯБХ” ИК директори

Ш.Отаев

«\_\_\_» 2022 йил



**Буюртмачи:** Урганч шаҳар Хонқа кўчаси 105-йда жойлашган 9203 ҳарбий  
қисм бошқармасига, Шовот тумани К.Отаниёзов аҳоли масканида жойлашган  
1-сонли чегара қўриқлаш взводига ҳамда Тупроққалъа тумани Питнак шаҳри  
Саҳоват кўчасида жойлашган 7-сонли чегара қўриқлаш взводларига сувни  
чучуклаштириш ускуналарини ўрнатиш ишлари смета-лойиха хужжатларини  
ишлаб чиқишига

## ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

## **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида 276-сон қарори асосида ишлаб чикилди

### **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1 Хизматда шартнома асосида Урганч шаҳар Хонқа кўчаси 105-йда жойлашган 9203 ҳарбий қисм бошқармасига, Шовот тумани К.Отаниёзов аҳоли масканида жойлашган 1-сонли чегара қўриқлаш взводига ҳамда Тупроққалъа тумани Питнак шаҳри Саховат кўчасида жойлашган 7-сонли чегара қўриқлаш взводларига сувни чучуклаштириш ускуналарини ўрнатиш ишлари смета-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чикиш.

1.2. Танлов қиймати – 8 950 000 (Саккиз миллион тўққиз юз эллик минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан лойиҳачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўча 23-й Эл.манзил: xorazm\_ik@mail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

тандов предмета қийматининг камидаги 20 фоизи миқдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, хуқуқий лаёкат ва ваколатлар; тандов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги

маълумотлар; танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Лойиҳалаштириладиган обьект лойиҳалаштириш тоифасига кўра 1-2-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш обьекларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи миқдори. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар хамда молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги ва олдин ишлаган обьектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажармаган ва лойиҳачини айби билан муддати ўтган ишлари мавжуд бўлса

3.4. Танлов иштирокчилари - танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат қилишга хақлидирлар.